

Туркистоннинг биринчи генерал губернатори фон Кауфман: «Мусулмон дини мавжудлигига токат килинади, аммо унинг ривожи рагбатлантирилмайди. Ислом яшаб кетиши учун зарур шарт-шароитидан маҳрум бўлиб коладиган вакт хам келади». («Турон тарихи» журнали, 1993 йил, 2-сон).

Яна шу золимнинг мана бундай дегани хам тарихда колган: «Бу ҳалкка (туркистонликларга) иложи борича, мумкин кадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, тики бу ҳалкнинг бошка нарсаларни ўйлашга, сиёсий воеаларни англаб этишга бир зум хам вакти ва хохиши колмасин» (Мажид Хасаний, «Юрт бўйнидаги килич», Тошкент, 1997 йил).

Русия маориф намояндаси ва миссионери П. Илъинский: «Русиядаги мусулмон ҳалкларга бирорта хам ижтимоий-сиёсий хукук бермаслик керак», деган. (Мажид Хасанийнинг юкоридаги китоби).

Англия умумпалатасининг аъзоси Грехэм: «Мен хукуматга куйидагиларни айтаман: хозир улуг иттифокчимиз Россияга Полшани Ўрта Осиёдаги арзимас кабилалар бўлган ўзбек ва тожикларга ўхшаб эмас, балки Европадаги маданиятли, христиан миллат сифатида таниб, Полшанинг шунга муносиб суратда тутган ўрнига караб, у билан муомала килиши кераклигини айтиш пайти келди» (Англия умумпалатасининг 1945 йил августидаги мажлисида сўзлаган нуткидан).

Афтидан барча мустамлакачилар хамма вакт бир хил фикрлашади, шекилли!